



ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёевга
6 август куни энергетика тармоғи олдига қўйилган
вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари
юзасидан ахборот берилди.**

Жорий йил 27 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида ёқилги-энергетика тармоғидаги устувор масалалар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда соҳадаги бошқарув, жойларда электр ва газ таъминоти барқарорлиги, авариялар ҳамда энергия йўқотишларини қисқартириш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди.

Хусусан, электр ва газ таъминоти билан боғлиқ ишларни “туманбай” ва “маҳаллабай” ташкил этиш, ҳудудларнинг энергия истеъмоли балансини шакллантириш, тармоқлар ва ускуналарни хатловдан ўтказиш, куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўриш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Тақдиротда Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ва Ўзэнергоспецияция янги раҳбариятининг мақсуд топшириқлар ижросини ташкил этиш борасида олиб бораётган ишлари ҳамда келгуси режалари кўриб чиқилди.

Жумладан, ҳозирда Янгийўл туманида электр ва газ таъминотини яхшилаш бўйича махсус штаб фаолият юритмоқда. У ерда тадбиркорлар ва аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказилиб, узилишлар, қувват етишмаслиги, газ босимининг пасайиши, техник шартлар олиш ва қарздорлик билан боғлиқ муносабатлар бевосита ўрганилмоқда.

Янгийўл тумани тажрибаси асосида бошқа 13 та туманда ҳам ушбу ёндашувдаги намунавий тизим яратиб, кейинчалик уни бошқа худудларда ҳам жорий этиш режалаштирилган.

Тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига улаш учун техник шартларни расмийлаштириш жараёнларининг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш чораларни кучайтирилмоқда.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида муаммолар тармоқлар ва ускуналарни

янгилаш, энергия йўқотишларини камайтириш, энергия самарадорлиги чораларини кўриш, авариявий узилишлар сабабларини бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, соҳа ходимларига вазифаларини электрон тизим орқали етказиш, ижросини назорат қилиш ва фаолият самарадорлигини аниқ кўрсаткичлар асосида баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Энергетика вазирлигига тармоқда ягона ва самарали бошқарув тизимини шакллантириш, соҳа корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини тизимли ташкил этиш вазифалари юклатилди.

“Худудий электр тармоқлари”га жойларда электр таъминоти барқарорлигини ошириш, инфратузилмани босқичма-босқич модернизация қилиш, авариявий узилишларни камайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш топширилди.

Ўзэнергоспецияция зиммасига энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, техник талабларга риоя этилишини таъминлаш, йўқотишларни қисқартириш ва йирик истеъмолчиларни энергия аудитидан ўтказишни жалдлаштириш вазифалари қўйилди.

Табийий газ етказиб бериш имконияти чекланган маҳаллаларни мавсумга тайёрлаш, суюлтирилган газ таъминотида хусусий секторни кенг жалб қилиш, соҳадаги жараёнларнинг мониторингини юритишда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари барча чораларни манзилли ва аниқ ҳисоб-китоблар асосида амалга ошириш, аҳоли ҳамда иқтисодиёт тармоқларини электр ва газ билан барқарор таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!



ОРЗУЛАР РЎЎБИН КЎРГАН ТАҚДИРЛАР

“Ўн беш дақиқа экан-ку, болам. Олдинги оворагарчиликларимиз, чеккан азоб-уқубатларимиз олдида бу ҳеч нарса эмас...”

Бу гапни гавжум бозор бурчагидаги банк филиалида, чироқ ўчгани сабаб ҳосил бўлган тирбандликда навбат кутаётган бир отахон айтди. Аввалига бу сўзлар шунчаки кексаларга хос сабр-тоқатнинг навбатдаги ифодасидек эшитилди. Аммо бир неча сония ўтиб, бу оддийгина жумла замиридаги тоғдек залварни, теранликни англадим. Бу табарруқ инсон электр таъминотидаги қисқагина узилиш ҳақида эмас, балки бутун бир давр, бутун бир авлоднинг умрини еб битирган ўтган чорак асрлик ижтимоий масофа ва ундан ўтиш жараёнидаги улкан, тарихий ўзгаришлар ҳақида гапирётган экан...

Баъзан энг катта, энг жонли ва жамиятнинг асл юзини кўрсатадиган мавзуларни дабдабали йиғилишлардан, рақамларга тўла ҳисоботлардан эмас, балки одамлар гавжум мана шундай бозорлардан, оддий одамлар билан суҳбатлардан топасиз.

Уша куни Жиззах шаҳрининг энг фойзли бозорларидан бирига йўлим тушди. Биласиз, бозор бу шунчаки олди-сотди жойи эмас, у

элнинг кайфиятини, турмушини ва яшаш тарзини ҳам кўрсатадиган кўзгу.

Расталарга қараб кўзим қувнади, тўкин-сочинлик, сархил ноз-неъматларнинг ранг-баранг жилоси одамнинг баҳри дилини очади. Бироқ мени кўпроқ махсуслотлар эмас, атрофдаги инсонларнинг чеҳраси ўзига тортди. Харидорларнинг ҳам, сотувчиларнинг ҳам юзидан табассум, ички хотиржамлик бор. Кўзларда

эртанги кундан хавотир сезилмайди. Одамлар шошилмасдан, дид билан бозорлик қиялпти. Нарх-наво ҳам илгаригидек кун сайин ошмаяпти, анча барқарорлашиб қолган.


Тўғриси, ўша лаҳзада беихтиёр ўтмишни эсладим. Бир пайтлар бозорга киришга юрак безиллаб турарди. Одамлар راستадаги гўшт ёки ёғга эмас, биринчи навбатда, унинг тепасига ёзилган қоғоздаги нархга хавотир билан

тикиларди. Чўнтакдаги арзиманган пул билан рўзгорнинг камини қандай тўлдириш ҳақида ўйларди.

Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Рақобат бор, танлов кенг. Ҳамма чўнтагига ва таъбига қараб, бемалол харид қиялпти. Бу жамиятимиздаги фаровонликнинг, одамлар қалбидagi хотиржамлик ва эркинликнинг ҳақиқий, жонли кўриниши.

Давоми 3-бетда

Нуқтаи назар



Ўттиз беш йил — тарих учун қисқа, инсон ҳаёти учун эса бутун бир авлод умри. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиб, ўз тараққиёт йўлини, ички ва ташқи сиёсатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Шу даврда суверен давлат институтлари барпо этилди, миллий манфаатларга асосланган ташқи сиёсат шаклланди, иқтисодиёт ва жамият босқичма-босқич янгиланди.

ИНСОН ҚАДРИ ВА БАРҚАРОР КЕЛАЖАК УЙҒУНЛИГИ

Бироқ мустақилликнинг энг катта қиймати давлат рамзлари ва халқро мақом билангина ўлчанмайди. У инсоннинг ўз юртида қадр топиши, адолатга ишонishi, муносиб меҳнат қилиши, фарзандининг сифатли таълим олиши ва келажакка ишонч билан қарашида намоён бўлади. Шу маънода, 35 йиллик йўл фахрланиш учун асос бўлиш билан бирга эришилган натижаларни холис баҳолаш ва янги вазифаларни белгилаш нуқтасидир.

Бугунги Ўзбекистон тарихи бўш жойдан бошланган эмас. Қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғд ва Қангдан тортиб,

сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Амир Темур ва темурийлар давригача бўлган давлатчилик тажрибаси ушбу заминда бошқарув, ҳуқуқ, дипломатия, шахарсозлик, савдо ва илм-фан анъаналари шаклланишини кўрсатади. Замонавий республика бу тарихий тузилмаларнинг айнан давомий эмас, аммо халқимизнинг кўп асрлик давлатчилик хотираси ва ўз тақдирини ўзи белгилаш иродасининг янги сиёсий-ҳуқуқий ифодасидир.

Давоми 2-бетда

Муносабат

ЛАВОЗИМ ЭМАС, САЛОҲИЯТ ВА НАТИЖА БАҲОЛАНДИГАН ДАВР

Ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, аввало, халқнинг унга бўлган ишончи билан белгиланади. Бу ишонч эса адолатли ва самарали бошқарув тизими орқали шаклланади ва юзага чиқади. Давлат фуқаролик хизмати ана шу тизимнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ислохотларнинг халқимиз ҳаётида ўз аксини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда давлат хизматчилари меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш масалаларига янгича ёндашилмоқда. Президентимизнинг давлат фуқаролик хизматчиларининг иш ҳақи тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар билан танишгани бу борада мутлақо янги, чуқур таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган шаффоф ва адолатли тизим жорий этилишидан далолатдир.

Бир қарашда бу масала оддий иқтисодий ёки молиявий ислохотдек туюлиши мумкин. Аслида, гап давлат бошқарувининг бутун фалсафасини ўзгартириш ҳақида кетмоқда. Чунки ҳар қандай давлат хизматчиси ўз меҳнати адолатли баҳоланишига ишонгандагина ташаббус кўрсатади, ўз устида ишлайди ва эл-юрт манфаати йўлида садоқат билан хизмат қилади.

Давоми 2-бетда

Унутмас мени боғим




СЎЗИ ҲАМ, ЎЗИ ҲАМ НАФИСЕ ЭДИ

6

ҚЎҚОН ШАҲРИ ЮНЕСКОНИНГ МЕДИА ВА АХБОРОТ САВОДХОНЛИГИ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ АЛЬЯНСИГА ҚЎШИЛДИ

Қўқон шаҳри ЮНЕСКОнинг Медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича глобал альянси (UNESCO Global Media and Information Literacy Alliance)га қўшилгани расман эълон қилинди.



Глобал альянс медиа ва ахборот саводхонлигини ривожлантириш соҳасида тажриба, билим ва амалий ёндашувларни алмашиш учун муҳим халқаро платформа ҳисобланади.

Альянс давлат тузилмалари, таълим ва илмий муассасалар, кутубхоналар, музейлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, ёшлар бирлашмалари ва бошқа манфаатдор томонларни бириктириб, рақамли кўникмаларни, ахборот билан ишлаш маданиятини ривожлантиришга ҳамда замонавий таълим ва маърифий ресурсларга кириш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашади.

ЮНЕСКОнинг расмий хатига Қўқон шаҳри глобал альянсда рўйхатдан ўтгани тасдиқланган ва шаҳарнинг ушбу халқаро платформадаги иштироки кутланган.

Ушбу қарор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз шаҳрларининг халқаро алоқаларини кенгайтириш, маданий-маърифий салоҳиятини илгари суриш, инсон капитални, рақамли кўникмаларни ривожлантириш, ёшлар

сиёсати, таълим ва маърифат соҳаларини такомиллаштириш бўйича берган топшириқлари ижроси доирасида амалга оширилган изчил ишларнинг амалий натижаларидан бири бўлди.

Шаҳарнинг альянсдаги иштироки халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, хорижий шаҳарлар ва экспертлар ҳамжамияти билан тажриба алмашиш, ЮНЕСКОнинг соҳавий услубий материалларидан фойдаланиш, шунингдек, медиа ва ахборот саводхонлиги соҳасидаги маҳаллий ташаббусларни илгари суриш учун кўпимча имкониятлар очади.

Мазкур йўналиш ЮНЕСКОнинг “Медиа ва ахборот саводхонлиги шаҳарлари” (Media and Information Literacy Cities / MIL Cities) ташаббусини илгари суриш нуқтаи назарида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ташаббус маҳаллий бошқарув органлари, таълим ва маданият муассасалари, кутубхоналар, музейлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, ёшлар бирлашмалари ва бошқа манфаатдор томонларни бириктириб, рақамли кўникмаларни, ахборот билан ишлаш маданиятини ривожлантиришга ҳамда замонавий таълим ва маърифий ресурсларга кириш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашади.

ЮНЕСКОнинг расмий хатига Қўқон шаҳри глобал альянсда рўйхатдан ўтгани тасдиқланган ва шаҳарнинг ушбу халқаро платформадаги иштироки кутланган.

Ушбу қарор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз шаҳрларининг халқаро алоқаларини кенгайтириш, маданий-маърифий салоҳиятини илгари суриш, инсон капитални, рақамли кўникмаларни ривожлантириш, ёшлар

“Дунё” АА
Париж шаҳри



Рақамлаштириш давлат ва фуқаро муносабатини ҳам ўзгартирмоқда. 2025 йилда 12,8 миллион киши рақамли давлат хизматларидан фойдаланди. Бу кўплаб хизматларни олишда вақт ва харажатни қисқартириш, ортиқча оворагарчиликни камайтириш имконини берди.



“

35 йиллик сана фақат ўтмишга қараб фахрланиш эмас, натижаларни ҳолис баҳолаш ва келажак авлод олдидаги масъулиятни белгилаш нуқтасидир. Кейинги босқичнинг бош мезони — халқаро эътирофни тоза сув, сифатли таълим, муносиб меҳнат, адолат, соғлом муҳит ва эртанги кунга ишонч орқали одамлар ҳаётида сезиладиган натижага айлантириш.

Нуқтаи назар

ИНСОН КАДРИ ВА БАРҚАРОР КЕЛАЖАК УЙЎУНЛИГИ



Жаҳонгир ИСАЕВ, “Барқарор ривожланиш маркази” ННТ бўлим бошлиғи

Мустақилликнинг дастлабки босқичида давлат суверенитетининг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва хавфсизлик пойдевори яратилди. Конституция қабул қилинди, миллий валюта жорий этилди, Қуроли Кучлар, парламент, фуқаролик ва ташқи сиёсат институтлари шакллантирилди. Мураккаб шароитда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш мамлакатнинг кейинги тараққиёти учун асос бўлди.

2016 йилдан Президентимиз раҳбарлигида тараққиётнинг янги босқичи бошланди. Давлат идораларининг халққа хизмат қилиши, инсон кадри, очиклик, яхши қўшничилик, камбағалликни қисқартириш ва “яшил” тараққиёт ислохотларнинг устувор йўналишларига айланди.

Бу икки босқични қарама-қарши қўйиш эмас, балки давлатчиликни барпо этишдан уни инсон манфаатларига янада яқинлаштиришга қаратилган узвий жараён сифатида кўриш тўғри бўлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Энг муҳими, ислохотларимизда ҳар бир онла, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётини яхшилашга асосий эътиборни қаратдик”.

Бу тарихий узвийликнинг ёрқин тимсоли Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказидир. 2026 йил мартида расман иш бошлаган марказ нобъ кўлэмаларини на-мойиш этиш билан чекланмай, аждодларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссасини замонавий технологиялар асосида ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

“Smithsonian Magazine” журнали уни 2026 йилда дунёда очилиши энг кўп кутилаётган ўн музей қаторига киритди. 1 июнь ҳолатига кўра, марказга ярим миллион маҳаллий ва хорижий меҳмон боргани эса миллий меросга қизиқишнинг амалий ифодасидир. Болалар музейи ва инновацион экспозициялар ёш авлодга тарихни томоша қилиш билан бирга англаш ва ўзигининг бир қисми сифатида ҳис этиш имконини бермоқда.

Суверен овоздан минтақавий ташаббускорликка

Кейинги йилларда Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлат раҳбарларининг Маслаҳат урчашувлари йўлга қўйилди, чегаралар очилди, транспорт, савдо, маданий ва қариндошлик алоқалари фойдаланди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йилдаги тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётга доир резолюцияси минтақада шаклланган янги сиёсий муҳитни халқаро даражада қўллаб-қувватлади. 2026 йил 2 апрелда қабул қилинган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва иқтисодий интеграцияни мустақамлашга қаратилган янги резолюция эса ишонч муҳитини инновация, иш ўринлари ва барқарор ўсишга хизмат қиладиган амалий шериклик билан тўлдириш вазифасини белгиледи.

“Маърифат ва диний бағрикенглик”, Оролбўйини экологик инновациялар ва

технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш, парламентларнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ролини кучайтириш каби ташаббусларнинг БМТ резолюцияларига айлангани Ўзбекистон дипломатияси умумжаҳон муаммоларига ечим таклиф этаётганини кўрсатади. Аммо дечломатиянинг энг муҳим натижаси фақат қабул қилинган ҳужжатларда эмас. У чегарадан эркин ўтаётган онлалар, ҳудудлараро савдо қиладиган тадбиркорлар ва умумий хавфларга биргаликда жавоб бераётган қўшни халқлар ҳаётида кўринади.

Ислохотларнинг бош мезони

Мустақилликнинг қиймати, аввало, инсон тақдирида намоён бўлади. Халқаро меҳнат ташкилоти 2021 йилги пахта йигим-терими якунлари бўйича Ўзбекистон пахтаси тизимли болалар ва мажбурий меҳнатдан холи эканини тасдиқлади. 2022 йилда глобал бойкотнинг бекор қилиниши меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш иқтисодий имкониятларни ҳам кенгайтиришини кўрсатди.

Бу ўзгариш, аввало, болаларнинг пахта мавсумида дарсдан қолмай, таълимни узлуксиз давом эттираётганида, меҳнатқашларнинг эса муносиб меҳнат шaroитига эга бўлаётганида намоён бўлди. Демак, ислохот натижаси халқаро эътироф билангина эмас, онлалар ҳаёти, болалар келажаги ва инсон қадрли ҳам кўринмоқда.

Қонунчилик ва фуқароликни расмийлаштириш тартибларининг такомиллаштирилиши натижасида сўнгги йилларда фуқаролиги бўлмаган 90 миңдан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Бу миңлаб инсонлар учун таълим, меҳнат, ижтимоий ҳимоя ва жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиш имконияти кенгайганини аңглатади.

Очиқ иқтисодиёт — одамлар фаровонлиги учун

Валюта бозорининг эркинлаштирилиши, солиқ ва божхона тизимининг янгиланиши, тадбиркорлик ва ташқи савдо учун имкониятларнинг кенгайиши иқтисодиётнинг очиқ ва рақобатбардорлигини таъминлашга хизмат қилди. Миллий статистика қўмитасининг дастлабки маълумотига кўра, 2025 йилда мамлакат иқтисодиёти 7,7 фоиз ўсди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 147 миллиард доллардан ортиқни ташкил этди.

Бу катта марра, аммо иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий қиймати унинг янги иш ўринлари, барқарор даромад, сифатли инфратузила ва ҳудудлар ўртасидаги тафовутни

камайтиришга қанчалик хизмат қилиши билан ўлчанайди.

Рақамлаштириш давлат ва фуқаро муносабатини ҳам ўзгартирмоқда. 2025 йилда 12,8 миллион киши рақамли давлат хизматларидан фойдаланди. Бу кўплаб хизматларни олишда вақт ва харажатни қисқартириш, ортиқча оворагарчиликни камайтириш имконини берди. Энди асосий вазифа — электрон хизматларнинг фақат сонини эмас, балки сифатини ҳам ошириш, чекка ҳудудларда рақамли тенгсизликни камайтириш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва идоралар ахборот тизимларини ўзаро уйғунлаштиришдир.

Иқтисодиётнинг кейинги босқичи меҳнат унумдорлиги, энергия самарадорлиги, инновация ва ҳалол рақобатга таяниши лозим. Хусусий сектор учун тенг шарoит, суд орқали ишончли ҳимоя ва қондаларнинг барқарорлиги таъминланамас, юқори ўсиш суръати самараси тўлиқ намоён бўлмайди.

Шу боис, очиқ иқтисодиётнинг бош мақсади статистик кўрсаткич эмас, балки инсоннинг меҳнати қадрлангани ва ташаббуси қўллаб-қувватлангани муҳитни яратишдан иборат.



ЛАВОЗИМ ЭМАС, САЛОҲИЯТ ВА НАТИЖА БАҲОЛАНДИГАН ДАВР

ҳам, ойлик ҳам аниқ қондалар асосида шаклланади.

Энг муҳими, ҳар бир давлат хизматчиси ўз меҳнати қай тарзда баҳоланишини, қайси натижа учун устама ёки бонус олишини олдиндан билиди. Бу эса шафдофликни таъминлаш билан бирга шахсий масъулиятни кучайтиради.

Давлат хизматлида энг катта муаммолардан бири йиллар давомида меҳнат натижаси билан иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик етарли даражада шаклланмагани эди. Кимдир виждонан меҳнат қилди, ташаббус кўрсатди, янги гоъларни илгари сурди. Яна кимдир вазифасини расмий тарзда бажариш билан чекланди. Аммо ойлик ва рағбатлантириш масаласида улар ўртасида сезиларли фарқ ҳамиша ҳам кузатилмади. Бу эса меҳнат унумдорлигига ҳам, давлат хизмати нуфузига ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиий, албатта.

Янги тизим айнан шу муаммони ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Энди иш ҳақи фақат эғаллаб турган лавозимга эмас, балки хизматчининг амалий фаолияти, масъулияти ва эришган натижаларига қараб белгиланади. Шунингдек, ҳодимнинг малакаси, функционал вазифаларни бажариш сифати, ижро интизоми, ташаббускорлиги ҳамда КРП кўрсаткичлари инобатга олинади.

Бонусларни тўлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу рағбатлантириш тури тасодифий ёки субъектив қарорларга эмас, балки ҳодимнинг илгор ахборот технологияларни, жумладан, сунъий интеллект, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштиргани, тажриба ва малакасини оширгани каби аниқ мезонлар асосида тўланади. Мазкур талаб

давлат хизматчисини доимий ўқишга, ўз устиди ишлашга, замон билан ҳамнафас бўлишга ундайди.

Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Сингапур, Жанубий Корея, Канада ва Буюк

Британияда давлат хизмати юқори профессионаллик ва аниқ мезонлар асосида шакллланган. Уларда давлат хизматчилари фаолияти фақат бажарилган вазифалар сони билан эмас, балки эришилган натижа, жамият учун яратилган қиймат ва хизмат самарадорлиги асосида баҳоланади.

“

Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматини такомиллаштириш доирасида таклиф этилаётган янги ёндашувлар ана шу илгор халқаро тажриба ва замонавий бошқарув тамойилларига ҳамоҳандир. Яъни энди давлат хизматчиларининг меҳнати нафақат бажарилган вазифалар, балки аниқ натижа, ташаббускорлик ва фуқаролар манфаатига қўшган ҳиссаси орқали баҳоланишига алоҳида эътибор қаратилади.



чиқиндиларни камайтириш имкониятини кенгайтирди.

Бирок янги станцияларни барпо этишнинг ўзи етарли эмас: электр тармоқларини модернизация қилиш, энергияни сақлаш тизимларини ривожлантириш, сув ва энергиядан тежамкор фойдаланиш, аҳоли ҳамда бизнес учун адолатли “яшил” ўтишни таъминлаш зарур.

Барқарор ривожланиш мақсадлари ижтимоий, иқтисодий ва экологик натижаларни ягона мезонда баҳолаш имконини беради. Ўзбекистон 16 та миллий мақсадни қабул қилди, 2020 ва 2023 йилларда БМТнинг Олий даражадаги сиёсий форумида ихтиёрий миллий шарҳларини тақдим этди.

2026 йилги Барқарор ривожланиш ҳисоботида мамлакатимиз 169 давлат орасида 65-ўринни эғаллаб, 72,95 балл тўплади. Бу ижобий силжишни кўрсатади, аммо рейтингнинг ўзи барча вазифа ҳал этилганини аңглатмайди. Айниқса, барқарор шаҳарлар, иқлим, сув, ҳаво сифати ва ҳудудий тенгсизлик масалаларида суръатни ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги 2026-2030 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик дастури самарали бошқарув ва адолат, муносиб турмуш ва ижтимоий ҳимоя, соғлиқ, инклюзив таълим, иқлим ҳамда Оролбўйини комплекс ривожлантиришни ягона кун тартибида бирлаштиради. Унинг асосий мазмуни тараққиёт самарасидан ҳар бир инсон баҳраманд бўлишини таъминлашдир. Энди миллий кўрсаткичларни маҳалла ва онла ҳаётидаги аниқ ўзгаришларга айлантириш бош вазифа бўлиб қолади.

Авлодлар олдидаги бурч

Орол фожиаси Ўзбекистон учун фақат экологик муаммо эмас. У саломатлик, бандлик, миграция, сув хавфсизлиги ва ҳудудий тенгсизлик масалаларини бирлаштиради. БМТ шафелигидаги Оролбўйи учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик траст жамғармаси ҳамда минтақани экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эътироф этган резолюция муаммони глобал кун тартибига олиб чиқди.

Расмий маълумотларга кўра, қуриган денгиз тубининг 2 миллион гектардан ортиқ майдонида саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан яшил қоплама барпо этилган. Бу чанг ва туз кўчишининг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган улкан амалий қадамдир.

Энергетикада ҳам янги йўналиш шаклланди. 2026 йил февраль ҳолатига кўра, кўеи, шамол ва гидроэнергетика қувватлари 8 гигаваттга, яъни мамлакат умумий генерация қувватининг 31 фоизига етди. Бу табиий газга қарамликни ва зарарли

Эътирофдан кундалик ҳаёт сифатига

Мустақиллик йўлининг муҳим натижаси — Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатини ҳимоя қиладиган, шу билан бирга, минтақавий ва умуминсоний муаммолар бўйича ташаббус кўрсата оладиган давлат сифатида шаклланишидир. Тинчлик — тараққиёт учун шарoит, инсон кадри — унинг мақсади, самарали институтлар — қафолати, табиатга масъулият — келажаги, халқаро шериклик эса имкониятларни кенгайтирувчи омил.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимида адолат ва қонуннинг бир хил қўлланишини таъминлаш, жамоатчилик мулоқоти ва ҳисобдорликни кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, хусусий сектор учун тенг рақобат муҳитини таъминлаш, сув танқислиги ва иқлим хавфларига мослашиш бўйича ислохотларни изчил давом эттириш зарур. Муаммоларни очиқ тан олиш эришилган ютуқларни камайтирмайди, аксинча, уларни мустаҳкам ва қайтарилмаслигини таъминлайди.

ЮНЕСКО мақоми ва Ислон цивилизацияси марказига халқаро қизиқиш миллий меросни асраш, илмий ўрганиш ва жаҳонга замонавий тилда тақдим этиш бўйича доимий меҳнатни талаб қиладди. Янги энергетика қувватлари — энергия самарадорлигини, юқори рейтинглар — хизматлар сифати ва тенг имкониятларни, халқаро ташаббуслар эса қабул қилинган мажбуриятларни изчил бажаришни талаб этади. Халқаро эътироф йўлининг охири эмас — у қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва табиий ресурсларни асраш масъулиятини янада оширади.

Шу боис, 35 йиллик сана фақат ўтмишга қараб фахрланиш эмас, натижаларни ҳолис баҳолаш ва келажак авлод олдидаги масъулиятни белгилаш нуқтасидир. Кейинги босқичнинг бош мезони — халқаро эътирофни тоза сув, сифатли таълим, муносиб меҳнат, адолат, соғлом муҳит ва эртанги кунга ишонч орқали одамлар ҳаётида сезиладиган натижага айлантириш.

Бошланиши 1-бетда


Ўрни келганда сўнгги йилларда давлат хизмати соҳасида қатор тарихий қарорлар қабул қилинганини қайд этиш жоиз. Хусусан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун билан давлат хизматчилари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хизмат интизоми, одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда касбий фаолиятининг асосий тамойиллари мустаҳкам ҳуқуқий таянчга эга бўлди.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви аппарати оптималлаштирилди. Агар 2016 йилда давлат органларида бошқарув ҳодимлари сони 73 миңгача ташкил этган бўлса, бугун 54 миңгачага қисқартирилди. Бу шунчаки статистика эмас, балки давлат бошқарувини ихчамлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш ва ҳар бир штат бирлиги самарадорлигини оширишга қаратилган изчил сиёсат натижасидир.

Тақдиримизда ютуқлар билан бирга соҳада жиддий номуамановчиликлар мавжудлиги тилга олинди, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Бугунги кунда давлат хизматчилари маошининг асосий қисми лавозим маошидан эмас, турли устама ва қўшимча тўловлар ҳисобига шаклланоқда. Лавозим маошининг улуши айрим ҳолларда умумий иш ҳақининг 15 фоизидан ҳам ошмайди. Қолган маблаг эса ўнлаб турдаги устама, мукофот ва рағбатлантириш тўловларидан иборат.

Муаммо шундаки, мазкур тўловларнинг аксарияти ҳодимнинг меҳнат натижаси билан боғлиқ эмас. Кимдир кўпроқ, яна кимдир айнан бир хил ишни бажариб туриб анча ҳам ҳақ олади. Натижада бир хил вазифани бажарётган икки давлат хизматчисининг иш ҳақи ўртасида катта тафовут юзага келади. Айрим вазирилк ва идораларнинг ҳудудий бўлинмаларида ишлаётган мутахассслар билан маҳаллий ҳокимликларда айнан шу вазифани бажарётганлар маошлари ҳам кескин фарқ қиладди. Бундай ҳолат эса меҳнат муносабатларидаги энг муҳим тамойил — адолат мезонларига умуман тўғри келмайди.



Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бугун меҳнатга ҳақ тўлаш тартибининг белгилайдиган ягона ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Турли давлат органларида эллиқдан ортиқ норматив ҳужжат асосида маош ҳисобланади. Бу эса бир идорада амал қиладиган қоида бошқасида ўзгача бўлишига, турлича ёндашув ва тушуновчиликларга сабаб бўлмоқда. Шу боис, янги тизимни жорий этиш давр талабидир.

Таклиф этилаётган янги тизимнинг энг катта афзаллиги шундаки, у меҳнатга ҳақ тўлашни ягона мезонлар асосида ташкил этади. Энди давлат органлари миллий, республика, ҳудудий ҳамда туман ва шаҳар даражаларига ажратилади. Ҳодимлар эса бажарадиган вазифаларига қараб маъмурий бошқарув, асосий ва қўллаб-қувватлаш гуруҳларига бўлинади.

Бу тасниф давлат хизматининг ҳар бир бўғинида масъулият даражасини аниқ белгилаш, вазифаларни тизимлаштириш ва уларга муносиб ҳақ тўлаш имконини беради. Халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган, 11 та разряд ва 6 та поғонадан иборат янги тариф сеткаси эса давлат хизматини касбий ўсишга асосланган тизимга айлантиради. Энди лавозим ўсиши

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

ОРЗУЛАР РЎЁБИН КЎРГАН ТАҚДИРЛАР



Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Картадаги маблагимдан нақд пул ечиш учун банкоматларга яқинлашдим. Бироқ ҳар бир банкомат олдида турнақатор навбат бор экан. Шунда вақтни тежаш мақсадида бозордаги банк филиалига киришга қарор қилдим.

У ерда ҳам одам анча экан. Аммо ташқаридоғи иссиқдан кўра, ичкарида, салқингина стулда ўтириб навбат кутишни афзал кўрдим. Эндигина навбатимиз яқинлашиб, ишимиз битай деганда, тўсатдан банкда электр ўчиб қолди. Банк ходими хижолатдан қизариб, мижозлардан уэр сўради:

— Хурматли мижозлар, тизимда қисқа но-созлик юзага келди. Техник сабабларга кўра, ўн беш дақиқача кутишингизга тўғри келади. Ноқулайлик учун уэр сўраймиз.

Ичкарида кимдир ўз тортиб юборди, кимдир соатига қаради. Шунда ҳалиги отахоннинг овози янгради. Секун унга ақинлашдим.

— Нима иш билан келгандингиз, отахон? — деб сўрадим аста суҳбатга тортиб.

У нурили юзига жуда ярашган самимий, нуруний табассум билан жавоб берди:

— Доллар сотиб олгани келувдим, болам.

— Сафаргами?

— Ҳа, насиб бўлса, жўрлар, эски қадр-донлар билан Дубайга дам олгани бормоқчимиз.

Сўнг чуқур хўрсиниш билан пичирлади:

— Мана шундай дориламон кунларга етказганига минг қатла шукр.

Маълум бўлишча, отахон узоқ йиллар олий таълим тизимида меҳнат қилиб, юзлаб шоғирдларни камолга етказган.

— Ҳозирги ёшлар чет элга боришни худди кўшни маҳаллага чиқиб келишдек оддий, кундалик ҳолат деб билади, — деди у ўтмиш хотираларини кўз ўнгига жонлантириб. — Бу жуда яхши, албатта, бундан фақат қувониш керак. Лекин улар биз кўрган, биз яшаган даврларни билганида, ўша тўсиқларни кўрганида эди, бугунги эркинлик ва имкониятлар қадрини янада чуқур, янада теран ҳис қилган бўларди.

Отахон суҳбат давомида ўзининг энг катта армонини сўзлаб берди. У ёш, кучга тўлган, илмий салоҳияти юқори бўлган йиллари бир неча бор нуфузли халқаро конференцияларга, илмий семинарларга тақлифнома олган. Аммо бирортасига ҳам бора олмаган. Сабаби билими ёки салоҳияти етмаганидан эмас, балки юқоридан руҳсат берилмаганидан...

У пайтларда хорижга чиқиш учун фақат паспорт қиёф қилмасди. Чикши визаси (стикер) деган машъум, инсон эркинлигини бוגлаб турадиган тўсиқ бор эди. Одамлар ойлаб, йиллаб турли идоралар эшигига сарсон-саргардон бўлар, шахси, етти пушти, қариндош-уруғи — барчаси ипидан игнасигача текширилларди. Энг аламлиси, барча хужжати тухт қилиб, ойлаб юрак ҳовучлаб кутганингиздан кейин ҳам қайсидир хонада ўтирган номалум амалдорнинг биргина имоси билан рад жавоби бериларди. Ҳеч қандай тушунтириш-сиз, ҳеч қандай сабабсиз.

— Халқаро семинар учун илмий маърузам тайёр эди, — дейди суҳбатдошим. — Аммо хорижга чиқиш учун руҳсатнома ололмадим. Натижада менинг ўрнимга соҳага мутлақо алоқаси бўлмаган, фақат таниш-билиш занжирига уланган бошқа бир одам кетган. Ўшанда тилимни тийлашганча, уйга келиб тўйиб-тўйиб йиғлаганман.

Халғга чўмаман. Бугун-чи? Бугун минглаб, ўн минглаб ёшларимиз, оддий юртдош-

ларимиз дунёнинг исталган нуқтасида эмин-эркин таълим олмақда, ишламоқда, дунё кезмоқда. Энг муҳими, инсон ўз тақдирини, қаерга ва қачон боришини ўзи ҳал қилапти. Инсон ўзини эркин шахс сифатида ҳис қила бошлади.

Суҳбат тобора қуюқлашиб, отахоннинг хотиралар дафтаридан яна бир огриқли саҳифа очилди. Бу унинг янги автомобиль олиш учун қилган саъй-ҳаракати ва чеккан азоблари билан боғлиқ бўлди.

— Агар валюта тизими ҳақида гапирсам, ҳозирги йигит-қизлар буни шунчаки эртак ёки муболага деб ўйлаши табиий, — деб давом этди суҳбатдошимиз. — Чунки улар давлат курси билан қора бозор курси ўртасидаги ўша муҳдҳш, мамлакат иқтисодиётини ҳам, инсон қадр-қимматини ҳам ерга урган улкан, даҳшатли жарликни кўрмади.

Ростдан ҳам яқин ўтмишимизда мамлакатда валюта билан боғлиқ икки хил дунё, икки хил воқеалик бор эди. Бир жозибадор, расмий рақамларда кўрсатилган курс. Иккинчиси ҳаётнинг аччиқ, асл юзи бўлган қора бозор. Кимга доллар керак бўлса, банкка эмас, қонундан яширинган валютачилар олдида югурган.

Сотувчи ҳам хавотирда, харидор ҳам юрак ҳовучлаб турарди. Оддий иқтисодий операция эмас, гўё оғир жиноят устида тургандек ҳис қиларди ўзини.

— Ўша пайтларда одамлар “така сут беради”, десангиз ишонарди, лекин “банкдан давлат курсида, ҳеч қандай муаммосиз, эркин доллар сотиб олдим”, десангиз, ҳеч ким ишонмасди, — дея отахон аччиқ кулимсиради.

Бу шунчаки ҳазил эмас эди. Бу бутун бошли тизимнинг таназзулига, боши берк кўчага қариб қолганига қўйилган аниқ ва шафқатсиз таъхис эди.

— У пайтларда автомобиль олиш учун шартнома тузишнинг ўзи бир машаққат эди, — дея соатга қараб сўзини давом эттирди мўйсифид. — Ойлаб таниш-билиш



излайсан, кимгадир ялинасан. Шартнома тузгандан кейин эса пул тўлаш керак. Маълагинг миллий валютада нақд бўлса ҳам уни тўлаш учун яна бозорга чиқиб доллар қидирасан. Мен ҳам ўшанда арзонроқ валюта излаб бозорга чиққанман. Мақсадим долларни озгина бўлса ҳам арзонроқ сотиб олиш учун бозордаги валютачилардан эмас, балки зарур бўлиб ўзининг долларини сотишга келган оддий одамлардан олиш бўлган. Бу ҳолат ўша ердаги монопол валютачиларга ёқмаган. Қисқаси, ўшалар қақдимни ёки ҳаракатим шубҳа уйғотдим, бир пайт қарасам, икки нафар ички ишлар ходими келиб, ўзини таништирди-ю, қўлимдан тутди. Катта жиноятчидек олиб кетишди. Хизмат хонаси. Соатлаб давом этган руҳан зузуви савол-жавоблар, баённомалар... Тушунтиришлар фойда бермади. Кейин эса сўд бўлди. Ҳалиям ўшанда пулларнинг ҳаммасини ўзим билан олиб юрмаган эканман, бўлма-са, ҳаммаси мусодара қилинаркан. Устига-устак яхшигина жарима ҳам тўладим...

Отахон бир муддат жим қолди. Кўзларида ўша олис ва қора йилларнинг захри, алами яна бир бор қалқиб чиқди.

— Биласанми, болам, ҳозир ўйласам, ўшанда қуйиб кетган, йиллаб йиққан пулларимдан ҳам кўра қўпроқ бошқа нарса алам қилган экан...

— Нима экан у?

— Аввало, топталган қадр-қимматим, ғурурим. Инсоннинг ўз юртида ҳалол меҳнати билан топган пулини алмаштиришда ўзини



маҳқум, гуноҳқор, жиноятчидек ҳис қилиши энг оғир руҳий эзиллиш экан.

Бу гаплар мени негадир яна бир унутилаётган, аммо минглаб инсонларнинг тақдирини бевақт синдирган, одамларни сарсон қилган яқин ўтмишнинг огриқли фожияси — “прописка” ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Бир вақтлар бу сўз юртимизнинг чекка-чекка шаҳару қишлоқларидан чиққан, илмли, иқтидорли ёшларнинг орзулари, келажаги йўлидаги баланд темир девор эди. Пойтахтда яшаи, ижод қилиш, ҳалол меҳнат билан уй сотиб олиш учун инсон қанчадан-қанча тўсиқ ва камситишлардан ўтиши керак эди. Бугун эса ёшлар бу тизимни эшитса, худди ўрта асрлар ёки

жонланди. Одамлар шошиб ўз ишига қайтди. Электрон таблода отахоннинг рақами кўринди. У ўрнидан тураётиб, менга меҳр билан қаради ва елкамга қўлини қўйиб, бундай деди: — Болам, биз қийинчилиқни, йўқчилиқни, энг ёмони, ҳуқуқсизлиқни кўрган, суяғида

Анвар Икромов ҳам ана шундай тақдирни ярим, юраги доғли юртдошларимиздан эди. Унинг ҳаёт йўлиридан тўлиқ бўлмаса-да, қисман хабардор эдим. У Фориш туманининг Уҳум қишлоғида туғилиб, шу ерда мактабни тамомлаган. Бутун болалиги, ёшлиги,

“**Банкдаги отахон ва қишлоқдошим Анвар аканинг ҳаёти каби ёрқин мисоллар юртимиздаги ўзгаришлар шунчаки қоғозда эмас, балки оддий инсонлар тақдирига қанчалик чуқур ва ижобий таъсир кўрсатаётганини яққол намоён этади. Зеро, бугун давлат сиёсати марказида инсон манфаатлари туриши, ҳар бир фуқаронинг қадр-қиммати ва ҳуқуқлари эъзозланиши мамлакат тараққиётини белгилловчи энг муҳим, энг устувор омил бўлиб қолаверади.**”

ҳис қилган авлодмиз. Шунинг учун бугунги куннинг, мана шу оддийгина банкомат ёки банк олдидаги эркинликнинг, хотиржамликнинг қадрини яхши биламиз. Кечаги кунини унутмаган одам бугунига шукр қилади. Бугунига шукр қилган одамнинг эса эртаси доим ёруғ ва нузли бўлади.

У шахдам қадамлар билан банк кассаси томон юриб кетди. Мен ҳам унинг ортидан ишимни ботириб, енгил нафас олганча ташқарига чиқдим.

Шу пайт рўпарамдан қутилмаганда қишлоқдошим Анвар Икромов чиқиб қолди. Бир-биримизни кўриб, худди яқин жигарлардек қувониб кетдик. Суҳбатимиз қуюқлашди.

— Ҳа, журналист ука, банкдан пулларингнинг долларга алмаштириб чиқяпсанми, бунча хурсандсан? — деди у ҳазил аралаш.

— Йўқ, Анвар ака, янги мақолам учун жонли мисоллар, янги қаҳрамонлар топдим, — дедим. — Айни пайтда одамлар ҳаётидаги, тақдирдаги ижобий ўзгаришлар, инсон қадри ҳақида ёзмоқчиман.

Анвар ака бир оз ўйлашиб турди-да, юзига самимий табассум югуриб деди:

— У ҳолда менинг тақдирим ҳам сенга яхшигина ҳаётий мисол бўлса керак, ука. Буни, албатта, ёз.

Бозордаги шинам ошхонага кирдик. Иссиқ чой устида Анвар аканинг ҳаёт йўлидаги оғир синовлар, бошдан кечирган ҳўриқлари ва кейинчалик тақдир қандай тўбдан ўзгарагани ҳақида огриқли, аммо якуни гўзал суҳбат бошланди.

Илгари йиллар давомида ўз ечимини топмай, қоғозлар остида қўмилиб келган кўплаб ижтимоий масалалар бугун адолатли ҳал этилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳимояни қучайтириш йўлида қабул қилинаётган қарорлар минглаб, миллионлаб инсонлар қалбида янги умид ва сўнмас ишонч уйғотмоқда.

Айниқса, фуқаролик масаласида йиллар давомида “ҳавода муаллақ қолган” ноаниқ мақомда яшаб келган, ўз юртида бегонадек юрган юртдошларимиз ҳуқуқлари тикланаётгани маъкур ислохотларнинг энг инсоний, энг ҳаётий натижаларидан.

хуллас, ҳамма-ҳаммаси шу заминда ўтган. Кейинчалик олий маълумот олиш, илм чўққиларини забт этиш учун қўшни Тожикистоннинг Душанбе шаҳрига бориб тахсил олди.

Ўқиниш муваффақиятли тамомлагач, ватан соғинчи билан яна жонажон юртига қайтди. Аммо уни мутлақо қутилмаган, ақлга сиғмас соғувқ муаммо қарши олди — унга Ўзбекистон фуқаролиги берилмади.

хуллас, ҳамма-ҳаммаси шу заминда ўтган.

Хотирамга олтин ҳарфлар билан ёзилган, ука. Ўша кунни қўлимга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олганимда, ишониб-ишонмай йиғлаб юборганман. Гўё қайта туғилгандек, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Бу мен учун шунчаки ҳужжат эмасди. Бу жонажон мамлакатимнинг менга ишончи, эътибори ва чексиз ғамхўрлигининг яққол рамзи, ҳақиқий инсон қадри эди.

Паспорт олгач, Анвар аканинг ҳаёти ҳам ўзгариб кетди. У дарҳол расмий ишга жойлашди, оиласи, фарзандлари учун янада мустаҳкам ва ишончли таянчга айланди. Энг муҳими, у энди тўлақонли фуқаро сифатида сайловларда қатнашди, ўз танлови асосида келажак учун овоз берди. Ўзини давлат ҳимоясидаги фуқаро сифатида ҳис қилди...

Аслида, ҳаётнинг ўзи энг буюк таҳлилчи, вақт эса энг адолатли ҳакам. Халқнинг хотираси эса ҳеч қачон, ҳеч қандай шаронгта алдамайди. Кечаги кунини, чеккан заҳматларини унутмаган инсон бугуннинг ҳар бир



Ўша даврларда бундай муаммоларни ҳал этиш ўта мушкул, деярли имконсиз бўлиб, минглаб одамлар йиллар давомида “фуқаролиги йўқ шахс” деган кемтик ҳуқуқий мақомда яшашга мажбур эди.

Анвар Икромов ҳам бу борада турли ташкилотларга, мутасадди идораларга тинимсиз мурожаат қилди. Бироқ орадан йиллар ўтса-да, масала қилчалик ҳам ечим топмади. Паспорти, яъни яшил хужжати йўқлиги сабабли она юртида, киндик қони тўқилган заминда худди бегонадек, келиб-кетувчи мусофирдек яшашга мажбур бўлди. Қўп ҳолларда қундалик ва расмий ишларни бажариш, фарзандларига хужжат тўғрилашда қийинчиликларга дуч келди.

Энг аламлиси ва мантиқсизлиги, у шу юртида туғилиб, шу ерда мактабни тугатган

бўлса-да, фақат бир неча йил қўшни давлатда таҳсил олиб қайтгани унга ўз ватани паспортини бермаслик учун асос қилиб кўрсатилганди.

— Паспорт йўқлиги, инсон мақомининг йўқлиги одамни ич-ичидан қанчалик емиришини, қанчалик хор қилишини фақат мана шу ҳолатни бошдан кечирган инсонгина тушунади, ука, — дейди Анвар ака кўзларини ошхона деразасидан ташқарига тикиб. — Ўз юртингда яшайсан, уни жонингдан яхши кўрасан, лекин қонун олдида гўё ўзга сайёраликдексан... Бирор жойга тайинли ишга қиролмайсан, ҳужжатларни расмийлаштиролмайсан, ҳатто кундалик ҳаётдаги оддий маиший масалаларни ҳал қилиш ҳам сен учун ечилмас муаммога айланиб қолади. Вақт шафқатсиз ўтаверди. Тўғриси, кун келиб ўз юртимнинг паспортини қўлимга олишдан, фарзандларим олдида бошимни тик тутушдан буткул умидим узилган эди. Аммо ҳаётда баъзан биргина тўғри қарор, юқоридан берилган биргина адолатли фармон инсон тақдирини, умидларини тўбдан ўзгартириб юбориши, унга иккинчи бор умр бағишлаши мумкин экан.

Анвар ака учун ҳам мамлакатимизда бошланган янги давр, янги ислохотлар ҳаётидаги ана шундай қутлуг бурилиш нуқтаси бўлди. Давлатимиз раҳбарининг тарихий фармони фуқаролиги бўлмаган, йиллар давомида аросатда қолган минглаб инсонлар қадри унинг учун ҳам янги ҳаёт, эркинлик эшитгани очди.

У бир лаҳза сукут сақлади, гўё ўша ҳаётдаги энг ҳаяжонли кунларни ҳаёлан яна бир бор бошдан кечираётгандек юраги тез уриб сўзида давом этди:

— 2017 йилнинг 16 январь куни... Бу сана хотирамга олтин ҳарфлар билан ёзилган, ука. Ўша кунни қўлимга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олганимда, ишониб-ишонмай йиғлаб юборганман. Гўё қайта туғилгандек, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Бу мен учун шунчаки ҳужжат эмасди. Бу жонажон мамлакатимнинг менга ишончи, эътибори ва чексиз ғамхўрлигининг яққол рамзи, ҳақиқий инсон қадри эди.

Паспорт олгач, Анвар аканинг ҳаёти ҳам ўзгариб кетди. У дарҳол расмий ишга жойлашди, оиласи, фарзандлари учун янада мустаҳкам ва ишончли таянчга айланди. Энг муҳими, у энди тўлақонли фуқаро сифатида сайловларда қатнашди, ўз танлови асосида келажак учун овоз берди. Ўзини давлат ҳимоясидаги фуқаро сифатида ҳис қилди...

Аслида, ҳаётнинг ўзи энг буюк таҳлилчи, вақт эса энг адолатли ҳакам. Халқнинг хотираси эса ҳеч қачон, ҳеч қандай шаронгта алдамайди. Кечаги кунини, чеккан заҳматларини унутмаган инсон бугуннинг ҳар бир



тинч лаҳзаси, ҳар бир қулайлиги қадрига етади. Бугуннинг қадрига етган халқ эса эртанги кунга, келажакка юксак ишонч ва ғурур билан қарайди.

Ана шу ишонч, ана шу ички хотиржамлик ва эркинлик туйғуси бугунги Ўзбекистоннинг кўз қорачиқидек асрашимиз керак бўлган энг катта, бебаҳо бойлиги.

Банкдаги отахон ва қишлоқдошим Анвар аканинг ҳаёти каби ёрқин мисоллар юртимиздаги ўзгаришлар шунчаки қоғозда эмас, балки оддий инсонлар тақдирига қанчалик чуқур ва ижобий таъсир кўрсатаётганини яққол намоён этади. Зеро, бугун давлат сиёсати марказида инсон манфаатлари туриши, ҳар бир фуқаронинг қадр-қиммати ва ҳуқуқлари эъзозланиши мамлакат тараққиётини белгилловчи энг муҳим, энг устувор омил бўлиб қолаверади.



Дарҳақиқат, фуқароларни ўйлантираётган масалалар — ичимлик сув, электр таъминоти, йўллар, жамоат транспорти, ободонлаштириш, бандлик, ижтимоий ҳимоя, таълим ва тиббий хизматлар сифати, энг аввало, ҳудудларда юзага келади. Уларнинг ўз вақтида ва самарали ҳал этилиши маҳаллий бошқарув органларининг халқ билан қанчалик яқин ишлаши, муаммоларни кабинетда туриб эмас, балки бевосита жойига чиқиб ўрганиши ҳамда ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини турганини чуқур англашига боғлиқ.

Бу борада маҳаллий кенгаш шунчаки мажлислар ўтказадиган ёки қарорлар қабул қиладиган тузилма эмас, халқнинг овози эшитиладиган, ҳудуд манфаатлари ифода этиладиган, ижро органлари фаолиятига баҳо бериладиган ва дойраб муаммоларга амалий ечимлар белгиланадиган демократик минбарга айланиши жоиз.

Конституциявий мақом — улкан масъулият

Янги таҳрирдаги Конституциямиз маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини демократлаштириш, вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида аниқ ваколатлар мувозанатини шакллантириш учун янги ҳуқуқий асос яратди. Мазкур конституциявий ислохотнинг моҳияти маҳаллий кенгашларини халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этадиган, ҳудудий масалаларни мустақил муҳокама қиладиган ва ижро органлари фаолияти устидан таъсирчан назорат олиб борадиган чинакам вакиллик институтига айлантиришдан иборат.

Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан маҳаллий кенгашларнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгиланган ваколатларини тизимлаштириш, уларнинг аниқ рўйхатини шакллантириш ҳамда вакиллик ва ижро органларига хос бўлмаган вазифаларни қайта кўриб чиқиш бўйича янги механизмлар белгиланди. Натижада ҳудудий ривожланиш, бюджет, шахрсозлик, экология, инвестициялар, жамоат ҳафсизлиги ва ижтимоий соҳалардаги қатор масалаларни кўриб чиқиш ҳамда масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитишда кенгашларнинг роли кучайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 23 июндаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси эса бошланган ислохотларнинг узоқ мuddатли устувор йўналишларини белгилаб берди. Концепцияда маҳаллий кенгашларни халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи кучли институтга айлантириш, уларнинг норма ижодкорлиги ва назорат салоҳиятини ошириш, депутатларнинг сайловчилар билан алоқаларини кучайтириш, фаолиятда очкичлик ва шаффофлигини таъминлаш вазифалари назарда тутилган.

Мазкур ҳуқуқий ўзгаришлар “Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойилини ҳаёта татбиқ этиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Ўшбу тамойил кенгаш билан ҳокимликни бир-бирига қарама-қарши қўйишни эмас, балки уларнинг қонунда белгиланган ваколатлар доирасида ўзаро ҳамкорлик қилиши, вазифалар ва жавобгарликнинг аниқ тақсимланиши ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг таъминланишини аниқлашди.

Чуст — деҳқонлар юрти. Айниқса, картошкачилик борисада бу туманда Ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Тумандаги 15 та маҳаланинг асосий драйвер йўналишини айнан картошкачилик. Ҳозир 6 мингта хонадонда шу экин экилиб, 10 сотих ердан 4-5 тоннагача ҳосил олинмоқда.

Курама тоғи этакларида жойлашган Гова қишлоғи Наманган шаҳри марказидан қарий 60 чакирим олисда жойлашган. Халқи меҳнаткаш. Бир йилда 20 минг тонна картошқа етиштирилиб, ҳатто қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинади.

Тоғ бўлоқлари ва сойлари, баҳаво адирликлардаги унумдор далалар говалик деҳқонлар учун аини мудао. Аҳоли асосан деҳқончилик, богдорчилик ва чорвачилик билан шугулланади. Одамлари меҳмондўст, меҳр-оқибатли, каттага ҳурмат ва кичикча иззатда, бу — шарқона аънаваний урф-одатларимиз авлоддан авлодга ўтаётганидан далолат.

Бугун нуфуси 19 мингта яқинлашган говаликлар адир ерларни ўзлаштириб, картошқа экин учун янги майдонлар очган. Бу ернинг табияти ва иқлими картошқа етиштириш учун жуда қулай.

Президентимиз таъкидлаганидек, давлат органлари фаолиятининг мазмуни халқ билан очик мулоқотга киришиш, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва мурожаатлари асосида қарорлар қабул қилиш ҳамда муаммоларга жойида ечим топишдан иборат бўлиши керак. Давлатимиз раҳбари депутатни фикру зикри билан халққа энг яқин, эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган шахс сифатида эътироф этиб, халқ ишончини қозониш ва уни муносиб оқлаш юксак масъулият эканини алоҳида қайд этган.



Давронбек РАВШАНБЕКОВ, Халқ депутатлари Тошкент шаҳри кенгаши котибияти мудири

Ҳудуднинг истиқболи фақат ижро органлари томонидан шакллантириладиган масала бўлиб қолмаслиги керак. Ҳудудий ривожланиш дастурлари, йирик инфратузилма лойиҳалари, бюджет маблағларининг йўналтирилиши, бандлик ва камбағалликни қисқартириш чоралари халқ вакиллари — депутатлар иштирокида очик ва танқидий муҳокама қилиниши зарур. Депутатларнинг жойлардаги ўрганишлари, аҳоли мурожаатлари ва сайловчилар тақлифлари бундай дастурларни шакллантиришда муҳим манба бўлиши лозим.

Шу билан бирга, кенгаш томонидан масъул мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш оддий ахборот қабул қилиш билан чекланмаслиги керак. Ҳисоботларда белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши, сарфланган маблағнинг самараси, камчиликларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш чоралари чуқур таҳлил қилиниши лозим. Эшитув якунида аниқ вазифа, ижро мuddати ва назорат механизми белгиланиши кенгаш назоратининг таъсирчанлигини таъминлайди.

Кенгашнинг кучли бўлиши ҳокимлик фаолиятига тўқсинлик қилиш ёки икки ҳокимиятчиликни юзага келтириш дегани эмас. Аксинча, вакиллик органнинг асосланган қарорлари, доимий комиссияларнинг чуқур таҳлили ва депутатлик назорати ижро органларини янада ташаббускор, масъулиятли ва натижадор ишлашга ундайди. Ҳокимликнинг тезкор ижро салоҳияти билан кенгашнинг вакиллик ва назорат имкониятлари уйғунлашган тақдирдагина ҳудудий бошқарувнинг самарали модели шаклланади.

Аҳоли ва давлат ўртасидаги кўприк

Депутатлик мақоми, аввало, юксак ишонч ва масъулиятдир. Сайловчи депутатга фақат овоз бермайди, балки ўзининг орзу-интилишлари, муаммолари ва ҳудуд келажаги учун масъулиятини ҳам ишончи топширади.

Шу сабабли депутат фаолияти сессияларда қатнашиш ёки муйайян масала юзасидан овоз бериш билан чекланмаслиги керак. Депутат ўз сайлов округидаги аҳоли билан мунтазам мулоқот қилиши, маҳаллаларга чиқиши, муаммоларни ўрганиши, давлат ташкилотлари фаолиятига қонуний ва ҳолис баҳо бериши ҳамда масалаларнинг амалий ечимига эришиши лозим.

Депутатнинг халқ орасида бўлиши аҳоли кайфиятини ҳис қилишнинг энг самарали усулидир. Чунки айрим муаммолар расмий ҳисоботларда кўринмаслиги мумкин. Маҳалладаги носоз трансформатор, таъмир-талаб ички йўл, ёритилмаган кўча, болалар майдончасининг йўқлиги ёки жамоат транспорти билан боғлиқ қийинчилик фуқароларнинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қилади.

Бундай масалаларни жойига чиқиб ўрганиш депутатга вазиятни ҳолис баҳолаш, муаммонинг асл сабабини аниқлаш ва масъул ташкилот олдига аниқ талаб қўйиш имконини беради.

Депутат халқнинг мурожаатини тегишли ташкилотга шунчаки юбуровчи воститаци эмас. У масаланинг ечими бўйича ташаббус кўрсатиши, ижро мuddатини кузатиши ва фуқаро қандай натижага эришганини назорат қилиши керак.

Депутатлик назорати — танқид эмас, амалий ҳамкорлик

Баъзан депутатлик назорати фақат камчиликларни аниқлаш ёки мансабдор шахсларни танқид қилиш воститаси сифатида тушунилади. Аслида, унинг мазмуни анча кенг. Депутатлик назорати давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини



“Халқ вакиллари фаол, кенгаш кучли, ҳоким ҳисобдор, котибият профессионал ва жамоатчилик назорати таъсирчан бўлган ҳудудда муаммолар тўпланиб қолмайди. Зеро, маҳаллий кенгаш — халқ манфаатларининг ишончли минбари.

қонунийлик, очкичлик, самарадорлик ҳамда халқ манфаатларига хизмат қилиш нуктаи назаридан ўрганиш тизимидир. Бундан асосий мақсад — айбдор излаш эмас, муаммонинг сабабларини аниқлаш, ресурс ва имкониятлардан тўғри фойдаланишга кўмаклашиш ҳамда камчиликларни бартараф этиш.

Депутатлик сўровлари, мансабдор шахслар ахборотини эшитиш, доимий комиссиялар ўрганиш, назорат-таҳлил тадбирлари ва сессия муҳокамалари депутатлик назоратининг муҳим шаклларидир.

Масалан, маҳаллий бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назорат ўрнатишда фақат қанча маблағ ўзлаштирилганига эмас, унинг ҳисобидан аҳолига қандай қўлайлик яратилганига эътибор қаратилиши керак. Қурилиш ёки таъмирлаш ишлари белгиланган мuddатда якунландими? Объект сифатли фойдаланишга топширилди? Ажратилган маблағ аниқ натижа бердими? Аҳолининг муаммоси ҳал бўлдими?

Депутатлик назорати орқали ана шу саволларга жавоб берилиши лозим. Давлат харидлари ва маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишда депутатлик назоратининг қучайтирилиши очкичликни таъминлаш, самарасиз харажатлар ва коррупциявий хавфларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан доимий комиссиялар бюджет ижроси, давлат харидлари ва ҳудудий дастурларни тизимли ўрганиш бориси муҳим.

Таъсирчан назорат масъул ташкилотларни фақат ҳисобот беришга эмас, балки аниқ натижа кўрсатишга ундайди.

Доимий комиссиялар — таҳлил ва қарорлар мактаби

Маҳаллий кенгаш фаолиятининг самарадорлиги унинг доимий комиссиялари ишига ҳам бевосита боғлиқ.



“Халқ вакиллари фаол, кенгаш кучли, ҳоким ҳисобдор, котибият профессионал ва жамоатчилик назорати таъсирчан бўлган ҳудудда муаммолар тўпланиб қолмайди. Зеро, маҳаллий кенгаш — халқ манфаатларининг ишончли минбари.

Доимий комиссиялар сессияга киритилаётган масалаларни дастлабки тарзда ўрганади, мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари фикрларини эшитади, муаммоларни жойига чиқиб таҳлил қилади ҳамда тегишли ҳулоса ва тавсиялар тайёрлайди. Шу боис, доимий комиссия йигилиши расмий-чилик учун ўтказиладиган тадбир бўлмаслиги керак.

Ҳар бир масала рақамлар, аниқ далиллар, аҳоли мурожаатлари, эксперт хушасарлари ва ҳудуддаги ҳақиқий ҳолат асосида кўриб чиқиши зарур. Сессияга киритилаётган қарор

лойиҳаси муаммонинг сабабини, уни ҳал этиш механизмини, молиялаштириш манбасини, масъул ижрочиларни ва ижро мuddатини аниқ белгилаши керак. Шундагина кенгаш қарори ижро органлари учун амалий ҳаракат дастурига айланади.

Ҳудуд тараққиётининг молиявий устуни

Маҳаллий кенгашларнинг энг муҳим ваколатларидан бири маҳаллий бюджетни кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижроси устидан назорат ўрнатишдир.

Бюджет оддий молиявий ҳужжат эмас. Унда ҳудуд тараққиётининг устувор йўналишлари, фуқароларнинг эҳтиёжлари ва келгуси давр учун белгиланган вазифалар ўз ифодасини топади. Маҳаллий бюджетнинг ҳар бир сўми — халқ маблағи. Шунинг учун депутатлар бюджет лойиҳасини кўриб чиқишда маблағларни фақат соҳалар бўйича тақсимлаш билан чекланиб қолмаслиги керак.

Ажратилаётган маблағ қайси муаммони ҳал қилади? Ундан қанча фуқаро манфаатдор бўлади? Лойиҳа ҳудуднинг узоқ мuddатли ривожланишига қандай таъсир кўрсатади? Муаммони ҳал этишининг тежамкор ва самарали мўқобил йўли мавжудми? Мана шундай саволлар ҳар бир бюджет муҳокамасининг марказида туриши лозим.

Аҳоли билан учрашувларда билдирилган тақлифлар, депутатларнинг жойлардаги ўрганишлари ва маҳаллалардан келиб тушадиган мурожаатлар маҳаллий бюджетни шакллантиришда асосий манбалардан бирига айланиши керак. Шундагина бюджет ҳақиқатан ҳам халқ эҳтиёжига хизмат қилади.

Халқ вакиллик органининг кучи унинг фаолияти қанчалик очик ва жамоатчиликка тушунарли эканида ҳам намоён бўлади.

Фуқаролар кенгаш сессияларида қандай масалалар кўриб чиқилаётгани, депутатлар қандай позиция билдираётгани, қайси қарорлар қабул қилингани ва уларнинг ижроси қандай кечаётганини билишга ҳақли.

Очкичлик — фақат сессияларни интернет орқали ёритиш ёки қарорларни расмий сайтларга жойлаштириш эмас. Аҳолига мураккаб ҳужжатларнинг мазмунини содда ва

Хулоса

Маҳаллий кенгашлар фаолиятининг янги босқичи депутатларнинг ҳам, ижро органларининг ҳам масъулиятини оширмоқда. Энди кенгаш фаолиятига ўтказилган сессиялар ёки қабул қилинган қарорлар сони билангина баҳо бериб бўлмайди. Асосий мезон — халқнинг ҳаётида қандай ўзгариш юз бергани, нечта муаммо ҳал этилгани, бюджет маблағлари қандай самара бергани ва фуқароларнинг давлат органларига ишончи қанчалик мустаҳкамланганидир.

Халқнинг чинакам овозига айланиши учун депутат халқ орасида бўлиши, муаммони чуқур ўрганиши, ўз позициясини дадил билдириши ва ечим учун масъулиятини зиммасига олиши зарур.

Депутатлик назорати талабчан, шу билан бирга, ҳолис ва бунёдкор бўлиши керак. Кенгаш қарорлари аниқ ҳисоб-китоб, чуқур таҳлил ва аҳоли манфаатларига асосланиши лозим.

Халқ вакиллари фаол, кенгаш кучли, ҳоким ҳисобдор, котибият профессионал ва жамоатчилик назорати таъсирчан бўлган ҳудудда муаммолар тўпланиб қолмайди. Зеро, маҳаллий кенгаш — халқ манфаатларининг ишончли минбари. Ўшбу минбарда билдирилган ҳар бир тақлиф, қўйилган ҳар бир масала ва қабул қилинган ҳар бир қарор инсон қадрини улуғлаш, халқ фаровонлигини ошириш ҳамда янги Ўзбекистонни ҳудудлардан бошлаб барпо этишга хизмат қилиши керак.

тушунарли шаклда етказиш, депутатларнинг ҳисобдорлигини ошириш, жамоатчилик фикрини тинглаш, тақлифларга муносабат билдириш ҳам очкичликнинг муҳим қисмидир.

Аҳоли билан очик мулоқот қиладиган кенгашга ишонч ортади. Ишонч бор жойда эса фуқароларнинг ташаббускорлиги ва ҳудуд ривожига дахлдорлик ҳисси кучаяди.

Бугун маҳалла аҳолининг муаммолари, эҳтиёжлари ва имкониятлари энг аниқ-равшан кўринадиган бошқарув бўғинидир. Маҳалла раиси ва “маҳалла еттичилиги” ҳудуддаги оилалар, ёшлар, хотин-қизлар, ишсиз фуқаролар, эҳтиёжманд қатлам ва тадбиркорлар билан бевосита ишлайди.

Депутатнинг маҳалла билан мунтазам ҳамкорлиги ҳудуддаги муаммоларни эрта аниқлаш ва манзилли ҳал этиш имконини беради. Бунда депутат маҳалла раиси ва “еттилик” вакиллари фаолиятига аралашмай, ўз ваколатлари доирасида уларни қўллаб-қувватлаши, тизимли масалаларни кенгаш муҳокамасига олиб чиқиши ва масъул ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаши керак. Айниқса, бир нечта маҳаллага хос ичимлик сув, канализация, электр, йўл, транспорт ёки ижтимоий объектлар билан боғлиқ муаммоларни алоҳида мурожаатлар сифатида эмас, балки ҳудудий дастур даражасида ҳал этиш муҳим.

Депутат жойлардаги масалаларни умумлаштириб, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий ечимини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиши лозим. Шунда аҳоли муаммоси оддий мурожаатдан кенгаш қарори, ҳудудий дастур ёки аниқ молиялаштириладиган лойиҳага айланади.

Профессионал таянч

Маҳаллий кенгашнинг самарали ишлаши унинг котибияти фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Котибият кенгаш, унинг доимий комиссиялари ва депутатларига ташкилий, ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, техник ва услубий жиҳатдан хизмат кўрсатадиган мустақил тузилма. Намунавий низомига кўра, котибият бевосита маҳаллий кенгашга бўйсунди ва унинг фаолиятини профессионал асосда ташкил этишга кўмаклашади.

Сессия кун тартибининг сифатли шакллантириш, қарор лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, доимий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш, депутатлик сўровлари ва назорат тадбирларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, кенгаш қарорлари ижросини кузатиб бориш котибият зиммасидаги муҳим вазифалардир.

Бугунги котибият ҳодими фақат ҳужжат тайёрловчи мутахассис эмас, балки ҳудудий сиёсат, қонунчилик, иқтисодий таҳлил, бюджет, жамоатчилик билан алоқалар ва рақамли бошқарув бўйича етарли билим ва кўникмага эга бўлиши керак.

Котибият фаолиятининг профессионаллашуви депутатларнинг салоҳиятини самарали фойдаланиш, қарорлар сифатини ошириш ва кенгашнинг ҳақиқий вакилик органи сифатидаги мавқени мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маҳаллий кенгаш қабул қилган қарорнинг аҳамияти унинг матни билан эмас, ижроси натижасида одамлар ҳаётида юз берган ўзгариш билан ўлчанади. Қарорда вазифа белгиланиб, лекин ижроси назоратсиз қолса, кутилган самара бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир қарорда аниқ мақсад, молиялаштириш манбаси, масъул ижрочи, бажариш мuddати ва назорат механизми кўрсатилиши лозим.

Доимий комиссиялар ва депутатлар қарорлар ижросини мунтазам ўрганиши, кечикишлар сабабини аниқлаш ва зарур ҳолларда мансабдор шахслар ахборотини эшитиши керак. Назоратнинг узлуксизлиги ижро интизомини мустаҳкамлайди.

ТОМОРҚАДАН 100 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД



Қишлоқнинг таниқли деҳқонларидан бири Ҳабибулла Йўлдошев ер танлаш, уруғ саралаш, суви меъёрида бериш, ҳосилни сақлаш сирларини яхши билади. Шу боис, тажрибасини ёшлардан аямайди.

— Говаликлар ирригация борасида анча тажрибали. Сойдан кўтарма усулида дашт ерларга сув чиқариб, янги ерлар очиб,

узумзорлар барпо қилган. Ҳозир ҳам қадимги кўтарма ариқлар халққа хизмат қилиб келмоқда. Масқадимиз ички бозорни арзон ва сифатли картошқа билан таъминлаш ҳамда экспорт ҳажмини янада ошириш орқали деҳқонларимиз даромадини кўпайтиришдир, — дейди Ҳабибулла ака. — Яна кузги мавсум ҳам бор, тақрорий экиндан ҳам катта

ҳосил кўтарамиз. Картошқадан мўл ҳосил олишда уруғ муҳим. Февралнинг 20-санасидан экилади. Ер маҳаллий ўғит аралаштирилиб, яхшилаб сугорилиб, меҳр билан ишланса, албатта, яхши ҳосил беради. Ўшбу деҳқончилик ва самарали меҳнат ортидан турмуш ўрготим билан ҳаж сафарига ҳам бориш насиб қилиди.

Шунга 1700 килограмм уруғ кетади. Йилига 18-20 тоннагача ҳосил оламиз. Бунинг сири, асосан, меҳнатда. Бу йилги соф даромадимиз 80 миллион сўмга бориб қолди. Тогли қишлоқнинг табиий шароити осон эмас, деҳқончилик матонат талаб этади. Бугун картошқа экилаётган майдонлар аввал адир ва тошлоқ ер бўлган. Қишлоқнинг меҳнаткаш аҳолиси йиллар давомида ерни тошдан тозалаб, ўзлаштирди. Машаққатли меҳнат эвазига ҳосилдор майдонлар бугун юзлаб хонадонларга барака, бозорларга эса тўқинлик улашмоқда. Айни кунларда қишлоқда картошқа қовлаш қизғин паллага кирган, — дейди деҳқон Нилуфар опа.

Қишлоқ марказидаги картошқа бозорида савдо авжида. Маъlumотларга кўра, бу йил Гова қишлоғидаги 400 гектар майдонга картошқа экилган. Ҳозирга қадар 300 гектардаги ҳосил йиғиштириб олинди. Яна 100 гектардаги майдонда ҳосил етилмоқда.

Гованинг ҳақиқий меҳнаткаш, ер тилини биладиган инсонлари билан галлашиб, уларга ҳавас қилдик. Миришкорлар бор экан, қишлоқнинг баракаси ҳеч қачон аримайди. Тошлоқ ва адирларни ўзлаштириб, бугун бир йилда икки марта ҳосил олиш шунчаки деҳқончилик эмас, чинакам матонатдир.

Отабек ҚОБИЛОВ
Чуст тумани

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz news

Айни пайтда жорий этилган ёшлар етакчилари институти давлат ва ёшлар ўртасидаги масофани қисқартирган, ислохотларни маҳаллагача олиб кирган мутлақо янги бошқарув механизмини яратди. Бугунги кунда 8992 та маҳаллада фаолият юритаётган ёшлар етакчилари минглаб йигит-қизларнинг бандлиги, таълим олиши, тadbиркорлик билан шуғулланиши, замонавий касбларни эгаллаши ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишида энг яқин кўмакча айланди.

Юксалиш палласи

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАЁТГАН ЁШЛАР

Ўтган даврда ёшлар етакчилари тавсияси асосида “Ёшлар дафтари” орқали 1,5 миллиондан ортиқ ёшнинг муаммолари ижобий ҳал этилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, замонавий касб эгаллаган, бизнесини бошлаган, иш билан таъминланган, таълим олиш имкониятига эга бўлган ва эртанги кунга ишончи мустаҳкамланган минглаб ёшларнинг ҳаётида бурилиш нуқтасидир. Бугунги ёшлар сиёсатининг асосий фалсафаси ҳам айнан шунга — ёшларни ўз келажигини ўзи бунёд этадиган шахс сифатида камол топтиришга қаратилган. Ёш тadbиркорлар сонининг 287 мингдан ошгани, хорижий тилларни ўрганаётганлар сони 3,5 миллионга етгани бу сиёсатнинг амалий самарасини яққол кўрсатмоқда.

Бундай мисолларни мамлакатимизнинг деярли ҳар бир ҳудудида учратиш мумкин. Аслида, ёшлар етакчилари фаолиятининг энг катта натижаси ҳам ана шунда. Улар фақат муаммони ҳал этмайди, балки инсоннинг ўз кучига ишончини қайта уйғотади. Яратилаётган имкониятларни айнан ўз эгасига етказиш эса ёшлар етакчиларининг энг муҳим миссиясидир. Шу маънода, ёшлар етакчилари институти қисқа вақт ичида давлат сиёсатини маҳаллагача олиб кирган энг самарали механизмлардан бирига айланган.

Ўтган йилларда ёшлар мурожаатларининг 92 фоизи маҳалла даражасида ижобий ҳал этилди. Бу кўрсаткич, энг аввало, йигит-қизлар муаммолари ортиқча бюрократик жараёнларсиз, уларга энг яқин бўғинда ҳал этилаётганидан дарак. Натижада давлат ва фуқаро ўртасидаги ишонч янада мустаҳкамланмоқда.

Демак, ёшлар етакчилари институти бугун нафақат ёшлар билан ишлашнинг самарали механизми, балки давлат бошқаруви учун янги авлод кадрларини тайёрлайдиган ҳаёт мактаби ҳамдир. Негаци, улар муаммоларни маҳалла даражасида, оддий одамлар орасида, уларнинг қўли билан, турмушидан ўрганипти. Бу эса уларга нисбатан ҳалқнинг ҳам, давлатнинг ҳам ишончини оширмоқда. Ўтган даврда 1493 нафар ёшлар етакчиси давлат фуқаролиги ҳизматининг турли бўғинларига тавсия этилиб, уларнинг 120 нафари халқ депутатлари этиб сайлангани шундан дарак.

Энг салоҳиятли ва ташаббускор ёшларни аниқлаш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш ҳамда халқаро тажриба билан бойитиш келажак



Улуғбек СУЛТОНОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи

бошқарувининг мустаҳкам пойдеворини яратмоқдаки, ҳар йили минглаб ёшларнинг халқаро ташкилотларда стажировка ўташи, замонавий бошқарув тажрибасини ўрганиши бу борада қўл келмоқда. Ёшлар етакчиларининг касбий салоҳиятини оширишга хизмат қилияпти. Хусусан, “Yetakchi Camp” лойиҳасининг олти мавсумида 600 нафар ёшлар етакчиси бошқарув, лидерлик, лойиҳа менежменти ва замонавий коммуникация йўналишларида малакасини оширди. 84 нафар етакчининг Хитойда малака оширгани эса халқаро тажрибани ўрганиш ва уни миллий



амалиётга мослаштириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мухтасар айтганда, бугун ёшлар етакчилари фақат мавжуд лойиҳаларни тарғиб қилаётган мутахассислар эмас. Улар маҳалладаги эҳтиёжларни таҳлил қилаётган, янги ташаббусларни илгари сураётган ва одамларни эзгу мақсад атрофида бирилаштираётган етакчилардир. Уларни ҳеч иккиланмай давлат билан ёшлар ўртасидаги ишончини мустаҳкамлаётган, ислохотларнинг мазмунини ҳар бир маҳаллага олиб кираётган, энг муҳими, ёшларни ўз келажигининг бунёдкорига айлантираётган фидойи, янги авлод кадрлари дейиш мумкин.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида орта назар ташлар эканмиз, эришилган натижалар билан ҳақли равишда фахрланамиз, шу билан бирга, олдимизда турган улкан вазифаларга ҳам чуқур англаймиз. Давримизга келиб, тараққиёт суръати энди фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, инсон капиталининг сифати, ёшларнинг билим ва ташаббуси, маҳаллардаги ижтимоий муҳит ва фуқароларнинг давлатга ишончи билан белгиланапти. Шу аснода ёшлар етакчилари зиммасидаги масъулият янада ортимоқда. Чунки бугун улар нафақат бир маҳалланинг, балки бутун мамлакатимизнинг эртанги кунини учун хизмат қилмоғи шарт ва зарур. Зеро, янги Ўзбекистоннинг пойдевори айнан маҳаллаларда бунёд бўлмоқда.

2026 йил
7 август, 159-сон

Креатив ёндашув

РАҚАМЛИ ТИБББИЁТ

СОҒЛОМ турмуш тарзининг асоси

Президентимизнинг тиббиётни аҳолига яқинлаштириш борасидаги ташаббуслари туфайли соғлиқни сақлаш соҳасидаги кадрлар малакасини оширишдан тортиб, сифатли хизмат кўрсатиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш каби барча жиҳатга бирдек эътибор қаратилмоқда. Шу тарика касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш тизими такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 декабрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришни жадаллаштириш ҳамда илгор рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини рақамли трансформация қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди. Мазкур қарорга мувофиқ, соҳада “Ягона тиббий ахборот тизими” жорий этилди.

Айни паллада “Электрон соғлиқни сақлаш” платформаси орқали соҳадаги асосий жараёнлар рақамли форматга ўтказилмоқда. Ушбу платформа таркибида “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона”, “Электрон тиббий карта” ҳамда “Электрон рецепт” каби замонавий модуллар босқичма-босқич соҳага жорий этилмоқда.

Бу рақамли ечимлар шифокор ва бемор ўртасидаги ахборот алмашинувини соддалаштирди. Тиббий ҳужжатларни электрон шаклда юритиш ташхис қўйиш ва даволаш жараёни узлуксизлигини таъминлаб, тиббий хизматлар тезкорлигини оширмоқда. Шунга яраша сифат ҳам яхшиланаяпти.

Ҳозир Сурхондарёдаги 290 та давлат тиббиёт муассасаси, 400 дан ортиқ хусусий клиника ва 600 дан зиёд дорихонада DMED ахборот тизими жорий этилган. Шунингдек, қарийб 3 миллионга яқин кишининг маълумотлари ягона электрон базага киритилди. Улар учун электрон тиббий карталар шакллантирилди.

Рақамлаштириш жараёни билан бир қаторда воҳанинг турли ҳудудидagi тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сурхондарёдаги тиббиёт кластери 2025 йили иш бошлаган эди. Унда 300 ўринли шифохона ва талабалар учун мўлжалланган 450 ўринли ўқув хоналари бор. Ҳозир кластерда рақамлаштиришга катта эътибор берилляпти, — дейди Сурхондарё тиббиёт кластери директори Ботир Мамасоатов. — Тиббий хизматлар рақамли бошқарилмоқда. Электрон тиббий ҳужжатлар тизими жорий этиляпти.

Илгари беморларнинг тиббий картаси қоғоз шаклида юритилгани сабаб уларни сақлаш, излаш ва бошқа тиббиёт муассасаларига тақдим этишда муайян қийинчиликлар юзага келарди. Беморларнинг тиббий картаси электрон шаклга ўтказилгани шифокор ишига унум берапти. Касаллик тарихи, ўтказилган текширувлар, қўйилган ташхислар ва буюрилган даволаш усуллари ҳақидаги маълумотларни тезкор олиш имкони яратилди. Натижада

ташхис қўйиш ва даволаш жараёнининг аниқлиги ҳамда узлуксизлиги таъминланиб, ортиқча қоғоз-бозилк ва вақт сарфи қисқармоқда.

Тизимнинг муҳим модулларидан яна бири бўлган “Электрон рецепт” ҳам беморлар учун катта қулайликлар яратмоқда. Ушбу модул орқали шифокорлар дори-дармонларни электрон шаклда расмийлаштиради. Рецептлар ягона ахборот базасида сақланади. Бу жараён дори воситаларини тўғри ҳисобга олиш, рецептлар шифофоблигини таъминлаш ҳамда қалбаки ёки тақририй рецептларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, лаборатория таҳлилларининг рақамлаштирилиши ҳам аҳоли учун кенг қулайликлар яратяпти. DMED ахборот тизимини жорий этиш ва тиббиёт соҳасини рақамлаштириш ишлари Сурхондарё вилоятининг барча шаҳар ва туманларидаги онлайв поликлиникалар ҳамда онлайв шифокорлик пунктларида изчил бажарилмоқда. Бу орқали бирламчи тиббий-санитария ишларининг сифати ва самардорлиги ошиб, аҳолига тезкор ва замонавий тиббий хизмат кўрсатилади.

Қўмқўргон туманида ҳам мазкур йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Бунга бирламчи тиббий хизматларнинг самардорлигини ошириш борасида “Электрон поликлиника” тизими йўлга қўйилганини мисол келтириш мумкин. Тумандаги 34-онлайв поликлиникада илк бор DMED ахборот тизими таркибида сунъий интел-

лект технологиялари жорий этилди. Мазкур инновацион ечим шифокорларнинг ташхис қўйиш жараёнида қарор қабул қилишини қўллаб-қувватлаб, тиббий маълумотларни тезкор таҳлил қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини янада оширмоқда.

Тизимни самарали ишлатиш мақсадида тиббиёт муассасалари замонавий компьютер техникаси билан таъминланиб, ички локал тармоқ инфратузилмаси яратилди.

Жарқўргон тумани Ҳайитобод маҳалласида жойлашган 29-онлайв поликлиника ҳам ҳудуд аҳолисига сифатли ва замонавий бирламчи тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур тиббиёт муассасаси 4 та маҳалладаги аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика тadbирларини самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутмоқда. Поли-клиникада аҳолига қулай ва замонавий шароит яратиш мақсадида кенг қўламли янгилаш ишлари бажарилди. Хусусан, 2025 йилда “Долзарб 90 кун” тadbирлари доирасида муассаса замонавий тиббий ускуналар ва қулай инфратузилма билан жиҳозланди.



— Ахборот тизими биз, тиббиёт ходимлари фаолиятини енгиллаштириш билан бирга фуқаролар учун ҳам қатор қулайликлар яратяпти, — дейди 29-онлайв поликлиника АКТ оператори Камола Назарова. — Тизим орқали беморларни қабулга ёзиш, электрон тиббий карталардан фойдаланиш, таҳлил натижаларини сақлаш ва тиббий маълумотларни тезкор олиш имконияти кенгайди.

Жарқўргон тумани “Янги Ўзбекистон” масси-видаги онлайв поликлиника сифатли бирламчи тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Поликлиника 2024 йили майда фойдаланишга топширилган бўлиб, замонавий талабалар асосида барпо этилган. Муассаса бугунга келиб, тўлиқ электрон поликлиника тизими асосида фаолият юритмоқда.

Электрон поликлиника тизими беморлар учун бир неча жиҳаддан фойда келтиради. Мазкур тизимга киряётган беморлар ўзига қўрсатилган тиббий ёрдамдан онлайн хабардор бўлади. Натижада улар қанча вақтда навбатга кириш, қайси шифокор билан учрашиш ва қандай муолажалар олиш мумкинлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади. Шунингдек, улар учун ушбу тизим орқали тиббий ёрдамни олгани ҳақидаги тарихни сақлаш мумкин. Бу эса уларнинг келгусида мурожаат қилишда катта қулайликлар тақдим этади.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАФАККУРИМИЗДА БОШЛАНГАН УЙҒОНИШ



Август — талабалик шукуҳи ойи. Бу ойда минглаб ёшларнинг ниятлари ижобат бўлади. Аксарияти эса хулосалар олиб, ўзининг нозик нуқталарини англаб етади. Бироқ нима бўлган тақдирда ҳам буларнинг барчаси заминда бир туйғу бор — зиёга талпиниш истаги. Энг муҳими, бу истаклар ижобати адолат, ҳаққонийлик билан амалга ошмоқда, сараланмоқда.

Ён-атрофга қараб, одамларнинг дунёқараши кун сайин ўзгариб бораётганига, инсон қадри ва билимига катта аҳамият берилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига, хусусан, чуқур билим олишига муносабати сезиларли ўзгаргани кўзга яққол ташланади.

Бу ўз-ўзидан юзага келгани йўқ. Бу юртимиздаги ислохотларнинг амалий натижаси. Таълим тизимидаги янгиланлар, унда адолатнинг қарор топиши ҳамда очик-ошкоралик ва тандошларимизнинг эртанги кунга ишончини чинакаммига уйғота олди десак, ёлгон бўлмайди. Шу ўринда ота-оналарда фарзанднинг ўқишига кунт билан ёндашиш истаги кучайишида давлатимизнинг ёшларга қаратаётган юксак эътибори ҳам муҳим роль ўйнаётганини таъкидлаш керак. Бунинг пойдевори кундан кунга қўпайиб бораётган олийгоҳлар, хорижий университетлар филиаллари очилиши ва ўқишга кириш имкониятларини ниҳоятда кенгайтирди. Илгари фақат санокли йигит-қизларгина ўқишга қира олган бўлса, ҳозир ҳаракат қилган ҳар қандай абитуриент талаба бўлиш имконига эга.

Чуқурроқ таҳлил қилсак, ўзбек оилаларидаги азалий одатлар ҳам анча ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Йиллар давомида миқсқоллаб йиққан сармомиямизни фақат тўй-ҳашам ва дабдабага сарфлаб келганми (ҳозир ҳам бу одатдан тўла



ўтиб кетди. Ушбу ҳолатлар тафаккур ривожига салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Аксарият ота-оналар фарзандини ўқитиш ўрнига тезроқ даромад келтирадиган касбини эгаллашни маслаҳат берадиган ҳолатга келиб қолди.

Бироқ сўнгги йилларда таълим тизимидаги улкан ўзгаришлар юқорида таъкидланган ноҳақликлар деворига урилиб, чилларчин бўлган даврлар ҳали хотиралардан ўчгани йўқ. Мактабни аъло баҳоларга битирган иқтидорли ўқувчиларнинг олийгоҳга киришида билими эмас, таниш-билишчилик ҳал қилувчи роль ўйнагани қўпчиликнинг оғриқли дарди эди. Фарзандининг йиллаб тайёрланиб, имтиҳонлардан йиқилганини кўрган ота-оналар қанча руҳий азоб чекканини яхши биламиз. “Болам, балки ўзингни бошқа соҳада сынаб кўрарсан” деган синик таскинлар ортида қанчадан-қанча барбод бўлган орзулар ва йўқотилган иқтидорлар ётибди?

Ёшлар ўз юртида қобилиятини намоён этиа олмагач, мусофирчиликда омад излаб, отир меҳнат қилишга мажбур бўлди. Зехнли ва иқтидорли йигит-қизлар мутахассислигини ташлаб, савдо-сотик ёки бошқа соҳага



шубҳа-гумон, иккиланишлар ёки қўрқувларга ўрин қолмади. Давлат ўқийман деган интилувчан ёшларга ғамхўрлигини айнан шундай адолат ўрнатилгани орқали амалда исботлаб берди.

Бугун ота-оналарнинг фарзанди сифатли таълим олиши йўлида ҳар қандай қийинчилик ва ҳаражатга тайёр турганини қўриб, кишининг дили қувнайди. Уларнинг бунга жазм қилиши замирида битта ишонч ётади: агар фарзанди етук кадр бўлиб етишса, уни ватанда муносиб қадрлайдиган ва тайинли иш ўрни билан таъминлайдиган адолатли тизим бор. Шу туфайли кўпчилик иқтидорли ёшлар ҳам оиласининг ишончини оқлаш мақсадида изланиб, ўз устида ишляптади.

Халқимиз орасида бошланган бу ҳаракатлар аллақачон натижасини бера бошлади. Юрти-



мизнинг чекка ҳудудларида, оддий оилаларда дунёга келиб, меҳнати ва ота-онанинг далдаси орқали юксак ишлтиқ эртага қандай натижа беради деган савол туғилиши табиий. Биринчи навбатда, ушбу соғлом муҳит ҳалқимиз ва миллият генотипининг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади. Ақл-заковати ва билими орқали ютуқларга эришган авлод бировига қарам бўлмайди, сўзида қатъий тура олади ҳамда мамлакат тараққиётига тўқсунлик қиладиган порахўрлик, бепарволик каби иллатларга қарши кураша олади. Уларнинг ақлий салоҳияти иқтисодиётимизни табиий ресурслар ва хомаёшга қарамликдан халос этиб, юртимизни илм-фанга асосланган замонавий давлатга айлантиришга муҳим ҳисса қўшади.

Аслида, давлатимиз раҳбари илгари сурган Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғоясининг асоси ҳам бевосита мана шу соғлом муҳит ва сифатли таълим тизимига бориб тақалади. Тарихга назар ташласак, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуглар етишиб чиққан даврда инсонларнинг илм-фанга қизиқиши энг баянд чўққига чиққанини англаш қийин эмас. Зотан, янги Ўйғониш даврини яратиш учун фақатгина осмонлар бинолар қад ростлаш, замонавий заводлар қурилиши ҳамда равои йўллар бунёд этилишининг ўзи етарли бўлмайди. Барча иморатлар ва кўприклар вақт ўтиши билан эскириши, технологиялар буткул ўзгариб кетиши мумкин, бироқ асрлар оша авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган пухта билим ва тўғри тарбия ҳеч қачон завол топпайди.

Шунинг учун юртимизда барпо этилаётган улкан инфратузилмаларни бошқара оладиган, жаҳон майдонидagi рақобатга муносиб дош берадиган, сунъий интеллект ва замонавий технологияларни ҳаётга татбиқ этадиган янги авлодни тарбиялаш бугунги куннинг кеचितириб бўлмайдиган вазифаларидан. Жамиятимиздаги ҳар бир ота-она ушбу улкан масъулиятни чуқур ҳис этаётгани давлат томонидан юритилаётган оқилона сиёсатнинг энг катта ютуғи.

Интилувчан ёшларнинг таълим олишига қаратилётган бундай эътибор муайян қатлам фаровонлиги учун эмас, бутун халқнинг онги ва дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилади. Ушбу ижобий жараёни изчил давом эттириш, таълим сифатини ошириш устида тинимсиз изланиш ва ҳар бир хонадонга илм нуруни олиб кириш орқали эса қўзланган мақсадларга — биз орзу қилган фаровон келажакка эриша оламиз. Зеро, халқимиз тафаккурдаги миллий уйғониш бизни юксак чўққилар сари етаклашига ишонч ҳосил қилиш учун бутун барча ҳуқуқий ва маънавий асослар етарли.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

